



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23 май куни Оқсаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ван Инни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон мамлакатларимиз ўртасида барча йўналишлардаги барқарор ва ишончли ҳамкорликни юксак қадрлашни таъкидлади.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги узоқ муддатли манфаатларга асосланган стратегик шериклик муносабатларининг устувор йўналишлари ва истиқболлини белгилашда мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар алоҳида аҳамиятга эга.

Учрашувда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг мамлакатимизга бўлажак давлат ташрифи ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришда муҳим босқич бўлиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Хитой ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлик бўйича катта тажриба тўплаган. 2015 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган Хитой инвестицияси ҳажми 6,5 миллиард доллардан ошди. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокида ташкил этилган 651 корхона фаолият кўрсатмоқда, бир қанча муҳим қўшма лойиҳалар амалга оширилган.

Икки мамлакат ишбилармонлари «Ангрен» махсус индустриал зонасида шина ва конвейер ленталари ишлаб чиқариш заводи, «Навоийазот» акциядорлик жамияти базасида поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш комплексини барпо этиш бўйича ва бошқа йирик лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этмоқда.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида кўп асрлик тарихий риштларга асосланган таълим, илм-фан, технологиялар, тиббиёт ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Учрашувда Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасида бўлиб ўтадиган тadbирларда Хитойнинг иштироки ва Ўзбекистон — Хитойнинг ўзаро ҳамкорлигига доир бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ШХТнинг қузатувчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирокида Тошкентда бўлиб ўтадиган саммити муҳим сиёсий воқеа бўлиб, саммит давомида ташкилотнинг турли соҳалардаги фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилиниши таъкидланди.

Меҳмон Президентимизга самимий қабул ва ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммоларни атрофлича муҳокама этиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ



ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАСИ

Қорақалпоғистон Республикасида 21 май куни Сурғил кони негизида барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши якунлангани ва унинг расмий очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон билан Жанубий Корей ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар қаторида нефть-газ ва кимё саноатида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарлари уч-

рашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Президент Пак Кин Хэнинг 2014 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикасига,

Президент Ислам Каримовнинг 2015 йил май ойида Корей Республикасига давлат ташрифлари ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги босқичга кўтарди.

► Давоми 2-бетда.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Соғлиқни сақлаш вазири ахборот берди



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг ташаббуси билан навбатдаги парламент эшитуви ўтказилди

Президентимиз ўтган йил январь ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида парламент олдида турган ўта муҳим вазифаларни белгилаб берган эди. Хусусан, янги конституциявий шароитда парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунчилик талаблари ижроси бўйича амалга

оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофлича жавоб қайтарилишини таъминлашга эришиш парламентнинг кундалик иши бўлиши зарурлиги алоҳида ўқтирилди.

► Давоми 3-бетда.

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ

ЎзХДП Гулистон шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан Гулистон давлат университетида глобаллашув жараёнида «оммавий маданият»нинг миллий қадриятларимиз ва ёшлар онгига салбий таъсири олдини олиш мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ёшлар «оммавий маданият»га қарши

Унда Гулистон шаҳар партия кенгаши масъул ходимлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, Тарғиботчилар гуруҳи аъзолари, партия фаоллари ҳамда талабалар иштирок этди.

— Ҳозирги кунда маънавий таҳдидлар асосан интернет тармоғи орқали кириб келаётганини ҳисобга олиб, ёшларимизнинг интернетдан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш борасидаги тушунтириш-тарғибот ишлари кучайтирилмоқда, — дейди ЎзХДП Гулистон шаҳар кенгаши раиси Кюмжон Аданов. — Бу ёш авлоднинг маънавий имунитетини ошириш, уларни ижтимоий-сиёсий фаол шахс сифатида вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда таълим муассасаларида ёшларни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, миллий маънавиятимизга ёт гоёлар тарқалишининг олдини олиш ишларини янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Наврўз ШОДМОНКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

МУНОСАБАТ

Тил ва адабиёт миллатни дунёга танитади

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонини ўқиб

Ҳар бир миллат учун ўз она тили азиз, мўътабар ва гўзалдир. Ҳар бир миллат тилида унинг маънавий-руҳий олами акс этади. Адабиёт эса миллат тилининг имконияти, бойлиги, нафосатини намойиш этадиган санъатдир. Шу маънода тил ва адабиёт бир тан, бир жонки, уларни алоҳида тасаввур этиш мумкин эмас. Миллий тил ва адабиётнинг ривожини миллатнинг маданий равнақиға хизмат қилади.

Президентимизнинг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони мамлакатимиз маънавий-маърифий, маданий ҳаётидаги муҳим воқеалардан бўлди. Фармонда она тилимиз ва адабиётимиз тарихи, замонлар силсиласида бошидан ўтказган синовлар, буюк боболаримиз қолдирган мерос қадри ҳақидаги кенг қамровли фикрларни ўқиб, киши беихтиёр ўйга толади, она тилимизни асраб-авайлаш, унинг қонун-қоидаларига амал қилиш, нуфузини ошириш учун масъулият туйғусини янада чуқур ҳис этади.

Она тилимиз эрки учун узоқ йиллар курашиб келинди, қанча-қанча аждодларимиз бу улуг ишга ҳаётини бағишлади. Ниҳоят, республикамиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан 1989 йилда халқимизнинг орзу-армонлари ушалди. «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Адолат тикланди. Бу тарихий воқеадан миллатимизнинг гурури осмон қадар юксалди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, тилимиз, адабиётимиз ривожини учун беқиёс имкониятлар эшиги очилди. 1993 йилда «Лотин ёзувиға асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонун, 1995 йилда «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг янги таҳрири, 1996 йили ушбу қонунни амалга оширишга қаратилган давлат дастурига тегишли ўзгаришлар киритиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва шу каби бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони она тилимиз ва адабиётимизни ривожлантириш йўлидаги улуг ишларнинг мантиқий давомидир.

Тил ва адабиёт миллатни дунёга танитади. Адабиёт миллат қалбининг кўзгуси, эзгу ниятлари, орзу-армонларини акс эттирувчи санъат. Бошқача айтганда, миллатларни бир-бири билан таништирадиган, уларни ақинлаштирадиган қудратли кучдир. Бугун тез ўзгараётган дунёда, глобаллашув жараёнида чуқурлашиб бораётган, турли бузғунчи гоёлар миллий қадриятларимизга, маънавиятимизга таҳдид солаётган бир шароитда она тилимиз ва адабиётимизни янада ривожлантириш, унга ёшларнинг меҳрини ошириш жуда муҳим аҳамиятга эга вазифадир.

Ўзбекистон Конституциясида мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилиши кафолатланган. Бунинг амалдаги исботига исталганча мисол келтириш мумкин. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Байналмилал маданият маркази тарихида 140 га яқин миллий маданий марказлар фаолият олиб бормоқда.

Қадимда ҳам бизнинг заминимизда турли миллат вакиллари баҳамжихат яшаб, бир-бирларининг тилларини яхши билган, ҳурмат қилган. Ота-боболаримиз бир неча тилда сўзлашган ва ижод қилган. Мамлакатимизда ўзбек тили билан бир қаторда бошқа миллатлар тилига берилётган эътибор миллатлараро аҳиллик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу фармоннинг халқимиз маданий ҳаётидаги аҳамияти гоят катта. Бу тарихий ҳужжат маданий-маърифий ҳаётимиздаги кўпдан-кўп масалаларни ҳал этади, она тилимиз ва адабиётимизнинг қаддини янада кўтаришга, ривожланишини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Бугун ўзбек тили дунёнинг кўплаб мамлакатларида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Президентимиз фармонида қўйилган вазифалар ижроси энг қадимий тиллардан бўлган она тилимиз дунёнинг етакчи тиллари қаторидан жой олишида муҳим омил бўлади.

Тилимиз ва адабиётимизни янада ривожлантиришга қаратилган ушбу фармоннинг аҳамияти беқиёс. Бу ҳужжат мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг манфаатиға хизмат қилади.

Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.
ЎЗА.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАРДАГИ
ЎЗХДП ГУРУҲЛАРИ
ФАОЛИЯТИДАН

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЭЛЛИҚАЛҒА ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲИ ЙИҒИЛИШИДА «СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА АҲОЛИГА ТИББИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ХОЛАТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ МАСАЛА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН «ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА КОММУНАЛ ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ҲАҚИДА»ГИ МАСАЛА ТЕГИШЛИ ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИДА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТЕРМИЗ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎЗХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИДА «ТУМАНДАГИ ДЕХҚОН БОЗОРЛАРИ ВА САВДО ДЎҚОНЛАРИДА ТЕРМИНАЛ ТАРМОҒИ ВА ОНЛАЙН ТЎЛОВЛАР ТИЗИМИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ МАСАЛА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ

■ Сургил кони негизда бунёд этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигининг ёрқин намунасидир.

Истиқболли ҳамкорликнинг юксак самараси

Қорақалпоғистон Республикасида 21 май куни Сургил кони негизда барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши якунлангани ва унинг расмий очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Президентимиз раҳнамолигида иқтисодий-тимизни диверсификация қилиш ва модернизациялаш, юқори технологияли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида улкан муваффақиятларга эришилди. Углеводород захираларини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган мажмуаларни барпо этишга қаратилган стратегия самарасида мамлакатимизда илғор технологияларга асосланган нефть ва газ кимёси sanoati шакллантирилди. Бугунги кунда ушбу соҳа жадал ривожланмоқда.

Нефть-газ соҳасида нафақат қазиб олиш ва хомашё экспорт қилиш ҳажмини ошириш, балки уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар турини кўпайтиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Мамлакатимизда макро-иқтисодий барқарорлик таъминланган. Бунинг самарасида энг ривожланган давлатлар, нуфузли молия муассасалари Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилмоқда, йирик мажмуалар, янги-янги замонавий корхоналар бунёд этилмоқда.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг стратегик шерикларидан, асосий инвестициявий ва технологик ҳамкорларидан бири. Икки давлат Президентларининг мунтазамлик касб этган мулоқотлари самарасида ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Жанубий Корея ишбилармонларининг фаол иштирокида иқтисодий-иқтисодий турли йўналишларида, жумладан, нефть-газ соҳасида кўплаб стратегик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Корея Республикаси компаниялари мамлакатимизнинг турли минтақаларида геология-разведка ишларини амалга ошириш, углеводород кон-

ларини аниқлаш ва ўзлаштириш борасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Сургил кони негизда бунёд этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигининг ёрқин намунасидир. Унинг қурилиши давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган мамлакатимиз sanoati кенг қўламли модернизация қилиш дастури доирасида амалга оширилди. Бу нефть-кимё соҳасида нафақат Ўзбекистон, балки МДҲ ҳудудига узоқ муддатли молиялаштириш асосида ҳаётга татбиқ этилган дастлабки кенг қўламли лойиҳадир.

Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Ан Ўзбекистон Жанубий Кореянинг Марказий Осиёдаги асосий шериги ва стратегик ҳамкори эканини алоҳида таъкидлади. Корея Республикаси Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни, савдо-иқтисодий, инвестициявий соҳалардаги алоқаларни янада тараққий эттиришга устувор аҳамият беришини, Устюрт газ-кимё мажмуасининг муваффақиятли ишга туширилгани нефть-газ ва кимё соҳасидаги ҳамкорлиқни янги босқичга кўтаришга хизмат

қилишини қайд этди.

— Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчи мамлакатга айланди, — деди Хван Гё Ан. — Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги нуфузи юксалиб бормоқда. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари сўнгги ўн бир йилда 8 фоиздан юқори бўлаётгани, иқтисодий-технологик модернизация қилишга оид дастурлар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани эътиборга молик. Устюрт газ-кимё мажмуаси мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлигининг ёрқин намунасидир.

Устюрт газ-кимё мажмуаси дунёдаги энг йирик лойиҳалардан бири. Мазкур мажмуа нуфузли халқаро нашрлар томонидан юксак эътироф этилган. Хусусан, «Project Finance International» халқаро нашри ушбу мажмуани қуриш лойиҳасининг лойиҳавий молиялаш битимини нефть-кимё ва газ-кимё секторидagi 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этган. У «Trade Finance Magazine» ва «Global Trade Review» нашрларининг «2012 йилнинг энг яхши битими» халқаро мукофотларига сазовор бўлган.

2014 йил 13 мартда яна бир нуфузли халқаро нашр — «Infrastructure Journal» ушбу газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳасини «Нефть-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими» нуфузли мукофоти билан тақдирлади.

Умумий қиймати 4 миллиард долларлик ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши йилга 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна по-



Айло Абдуллаев, ўзА олган суратлар.

липропилен, 102 минг тонна пиролиз дистилляти ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

— Мазкур йирик мажмуани барпо этишга ўз ҳиссамизни қўшганимиздан гоёт мамнунийимиз ва бу билан фахрланамиз, — деди Устюрт газ-кимё мажмуасининг лойиҳа директори, «Hyundai Engineering» компанияси вакили Ким Ван Су. — Ўзбекистон улкан интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Президент Ислам Каримовнинг ёшларга қўйган талабларига қўллаб-қувватлашга, юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратаётган алоҳида эътибори мазкур мажмуанинг қурилишида астойдил меҳнат қилган ўзбекистонлик профессионал ёш мутахассислар фаолиятида ҳам яққол намоён бўлди. Келгусида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада тараққий эттириш, қўшма лойиҳаларимиз қўламли кенгайтириш ниятидამиз.

— Ўзбекистонда самарали фаолият юритиш учун яратилган қўлай шароит, имтиёз ва кафолатлар тизими мамлакатимизга сармоя кириштириш кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда, — деди «Lotte Group» компанияси раиси Шин Дон Бин. — Кўплаб халқаро молия институтлари, нуфузли фирма ва компаниялар бу ерда қатор йирик қўшма лойиҳаларни амалга ошираётгани бунинг далилидир. Сургил конида барпо этилган мазкур мажмуа бунга ёрқин мисол бўла олади. Президент Ислам Каримов мазкур лойиҳани амалга ошириш ишларини ҳар бир босқичда қўллаб-қувватлагани, мамлакатларимизнинг мустақам ҳамкорлиги унинг қурилишини ўз вақтида аяқлаш имконини берди. Устюрт газ-кимё мажмуасининг самарали фаолияти Ўзбекистон

нефть-газ ва кимё sanoati янада тараққий эттиришга, ўзаро муносабатларимизни янада ривожлантириш ва мустақамлашга улкан ҳисса қўшади. Бу лойиҳани амалга оширишда бизни яқиндан қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Президентларига самимий миннатдорлик билдирамиз.

— Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон иқтисодий изчил тараққий этмоқда, — деди «Kogas» компанияси президенти Ли Сёнг Хун. — Мамлакатимиз билан кўп йиллардан буён турли йўналишларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Устюрт газ-кимё мажмуаси улاردан бири. Келгусида ўзаро алоқаларни янада фаоллаштириш, янги қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тарафдоримиз.

Қурилиши 2012 йилда бошланган Устюрт газ-кимё мажмуасида газни тақсимлайдиган, этилен, полиэтилен, полипропилен ишлаб чиқарилган ва энергия манбалари билан таъминлайдиган жами бешта завод, шунингдек, замонавий инфратузилма объектлари барпо этилган. Улар дунёдаги энг замонавий юқори технологиялар билан таъминланган, энг сўнгги русумдаги ускуналар ўрнатилган. Мажмуада 1300 га яқин мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг уч юздан зиёди коллеж битирувчисидир.

— Давлатимиз раҳбарининг ёшлар бизнинг бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир, деган сўзлари бизга доимо қанот, куч бағишлайди, — деди Устюрт газ-кимё мажмуасининг полиэтилен ишлаб чиқариш цехи оператори Азизбек Калиев. — Биз, ёшларга билдирилётган бундай ишонч ва яратилаётган шароитлар, эътибор ва ғамхўрлик фаол иш юритишимизда куч-ғайрат

бағишлаб, янги марраларни эгаллашга чорлайди. Коллежни битиргач, ушбу газ-кимё мажмуасига ишга қабул қилиндим. Бундай гоёт йирик ташкилотда меҳнат қилиш катта шараф. Ушбу мажмуада самарали ишлашимиз, бўш вақтимизни мазмунли ўтказишимиз учун барча шароит яратилган.

Устюрт газ-кимё мажмуасида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни синов тариқасида ўтган йили бошланган эди. 2015 йилда 54,9 минг тоннадан зиёд султирилган углеводород газ, 34 минг тоннадан ортиқ газ конденсати ишлаб чиқарилди. Магистрал газ қувурларига 1,8 миллиард куб метрдан ортиқ этан ва газ, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти энергия тизимига 87,5 минг мегаваттдан зиёд электр энергияси etkazиб берилди. Айни пайтда пиролиз дистилляти Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига бензин тайёрлаш учун юборилмоқда. Полиэтилен ва полипропилен қатор хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Шу кунга қадар қарийб 150 миллион доллар бешта завод, шунингдек, замонавий инфратузилма объектлари барпо этилган. Улар дунёдаги энг замонавий юқори технологиялар билан таъминланган, энг сўнгги русумдаги ускуналар ўрнатилган. Мажмуада 1300 га яқин мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг уч юздан зиёди коллеж битирувчисидир.

Мажмуада Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев, Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Ан сўзга чиқди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев, Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Ан сўзга чиқди.

Нодира МАНЗУРОВА,
Аминбой ОРИҚҲОЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

ЎзХДП ҲАЁТИДАН ХАБАРЛАР

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан «Ёшларни ёт гоёлар ва турли қарашлар таъсиридан асраш — мақсадимиз» лойиҳаси доирасида «Мен мамлакатимда тинчликни таъминлайман» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тинчлик сабоқлари

Партия фаоллари, олий ўқув юрлари профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ёшларнинг жамиятда муносиб ўринга эга бўлишига қўмаклашиш, илғор ташаббусларини қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этаётгани таъкидланди.

Мамлакатимизда навқирон авлоднинг замонавий билим ва касб-хунар сирларини эгаллаши, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши, ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиши йўлида барча шарт-шароит яратилаётир.

— Учрашувда мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти аниқ мисоллар билан тушунтириб берилди, — дейди университет талабаси Ёдгора Шукурова. — Президентимиз раҳнамолигида биз ёшларга яратилаётган кенг имкониятлардан фойдаланиб, ўқишда ва ишда юқори марраларни забт этиш, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўиши муқаддас бурчимиздир.

Давра суҳбатида мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикни асрашга бағишланган видеофильм намойиш этилди. Ёшларнинг мавзу юзасидан саволларига мутахассислар жавоб берди.

С.ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

«Биз — соғлом турмуш тарафдоримиз»

Қарши sanoat касб-хунар коллежидa 31 май — Халқаро кашандаликка қарши кураш кунини муносабати билан «Биз, ёшлар тамаки чекишга қаршимиз!» шиори остида тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгаши, ички ишлар, ўрта махсус, касб-хунар таълими вилоят бошқармалари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни турли ёт гоёлар, ғиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва тамаки чекиш каби иллатлардан асраш, ёшларда иқтисодий-иқтисодий ислохотларга дахлдорлик туйғусини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуни ва Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

— Тамаки ва алкоголь маҳсулотларининг инсон саломатлигига зарари, уни истеъмол қилишнинг аянчилик оқибатлари хусусида атрофдаги маълумот берилди, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари Музаффар Туропов. — Мақсадимиз ўтказилаётган тадбирлар орқали ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий билиминини бойитишга қўмаклашишдир.

Тадбирда партиядан сайланган депутатлар мазкур йўналишдаги ишларга алоҳида эътибор қаратиши, ҳар бир депутат ўз сайлов округида, айниқса, ёшлар ўртасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилинишининг олдини олиш бўйича тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш юзасидан фикр алмашишди.

Ў.БАРОТОВ,
ЎзА мухбири.



Давоми. Бошланғич 1-бетда.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Мамлакатимизда бўлиб ўтаётган фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида аҳоли фаол иштирок этиб, энг муносиб номзодларга овоз бермоқда.

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 21 маҳалла фуқаролар йиғинидан ўн учтасида сайлов бўлиб ўтди. Хусусан, тумандаги «Бошлик» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайлов очиклик ва ошқоралик принциплари асосида ташкил этилиб, энг муносиб

номзодлар фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилигига сайланди.

Тўрт мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган мазкур маҳаллада фуқаролар йиғини раислигига уч номзод кўрсатилган эди. Маҳалланинг обрў-эътиборли, ташаббускор кишиларидан бўлиш ҳар бир ном-

зод ўз дастурини сайловчиларга маълум қилди.

Номзодлар орасидан Абдулла Юнусовнинг дастурида кўзда тутилган режа ва масалалар маҳалла аҳолиси вакилларига маъқул келиб, у очик овоз бериш йўли билан маҳалла раислигига сайланди.

— Маҳалла раиси ўша ҳудуднинг

юз-қўзи, обрўси ҳисобланади, — дейди мазкур фуқаролар йиғинида сайловни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раиси Рафиқа Одилова. — Маҳалламизда истиқомат қилаётган аҳоли номидан иш юритиш билан бирга, унинг манфаатларини муҳофаза қилишга қодир, аниқ режа ва мақсадларга эга муносиб номзод сайланса, маҳалла-

нинг нуфузи янада ортади, амалга оширилаётган ишлар самараси юқори бўлади. Худди шу жиҳатлар сайловда тарғибот тадбирларида батафсил тушунтириб борилди. Шу боис бу йилги сайловга аҳолиимиз янада масъулият билан ёндашди.

Сайловда маҳалланинг энг фаол ва ташаббускор кишиларидан ўн уч киши фуқаролар йиғини маслаҳатчилари этиб сайланди.

Г.САТТОРОВА,
ЎзА мухбири.

УСТЮРТ ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИДА 1300 ГА ЯҚИН МУТАХАССИС МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДА.
УЛАРНИНГ УЧ ЮЗДАН ЗИЁДИ КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИСИДИР.

ПАРЛАМЕНТ
НАЗОРАТИ

■ Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси Сайловолди дастури ҳамда электорат манфаатларидан келиб чиқиб, долзарб ижтимоий масалалар бўйича парламент назоратини изчил йўлга қўйишга жиддий эътибор қаратмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазири ахборот берди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг ташаббуси билан навбатдаги парламент эшитуви ўтказилди

Шундан келиб чиқиб, юртимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида манфаатлар мувозанатини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш масалаларида муҳим ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ғоялари, Конституциямизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар асосида парламент назоратини кучайтириш бўйича ўзига хос тажриба тўпланди.

Жорий йил 12 апрель куні матбуотда эълон қилинган «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонун эса тизимдаги ислохотларни янада чуқурлаштиришда, демократиянинг умумэтироф этилган тамойил ва қоидаларини ҳаётиимизга кенг жорий этишда янги имкониятлар яратиб берди.

Маълумки, Қонунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Сенати зарур бўлган ҳолларда ўз мажлисларида ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш, шу асосда тегишли қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга экани белгилаб қўйилди. Ушбу демократик меъёrlар мамлакатимизда қонун ижодкорлиги ва унинг ижроси сифатини жиддий

равишда ошириш, давлат ҳокимияти органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг масъулиятини кучайтириш, сиёсий партияларнинг демократик жараёнларга таъсир доирасини кенгайтиришга хизмат қилади, албатта.

Шуни айтиш керакки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси Сайловолди дастури ҳамда электорат манфаатларидан келиб чиқиб, долзарб ижтимоий масалалар бўйича парламент назоратини изчил йўлга қўйишга жиддий эътибор қаратмоқда.

Куни кеча ЎзХДП фракцияси ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилишида Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимовнинг тегишли ахбороти эшитилди.

Унда вазир мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ислохотлар, фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида атофлича маълумот берди.

Ялпи мажлисда алоҳида қайд этилдики, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда. Оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни таъминлаш юзасидан кўрилаётган чоралар ўз самарасини берапти. Бу борада мустахкам ҳуқуқий асослар яратилиб, улар доимий тарзда такомиллаштириб боририлмоқда. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг ишлаб чиқиши ҳамда қабул қилиниши ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада оширишининг муҳим омил бўлди.

— Ушбу парламент эшитуви олдидан аҳолининг бу борадаги муносабатлари таҳлил этилди, шу асосда депутатлар жойларда тиббиёт масалаларининг фаолиятини ўрганишди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мехнат ва ижтимоий масалалар бўлими раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Ёқуб Умаров. — Назорат-таҳлил натижалари дастлаб фракция ва кўмига йиғилишларида



Сенатор ШОТЎЛАНОВ олган суратлар.

атрофлича кўриб чиқилди. Уларда депутатлар, фракция аъзолари томонидан долзарб масалалар кўтарилди, соҳада учраётган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар берилди. Шундан сўнг парламент эшитуви ташкил этилди.

Эшитув вақтида депутатлар мамлакатимизда фуқароларнинг тиббий ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича изчил чоралар кўрилаётганини таъкидлашди. Хусусан, соҳада ажратилаётган бюджет маблағлари йилдан-йилга ошиб бораётгани, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси яхшиланганлиги қайд этилди.

Мажлисида фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунларнинг амалга

оширилиши ҳолатига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонун ижроси билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Қонунга асосан аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш (текширувдан ўтказиш, тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш), шунингдек, тизимдаги муассасалар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилаётгани таъкидланди. Хусусан, 2013-2015 йилларда босқичма-босқич тарзда 11 муассасада қурилиш-реконструкция ишлари олиб борилди. Жорий йилда ҳам 8 муассасада таъмирлаш жараёни бошланган.

Депутатлар айрим муассасаларнинг моддий-техник

базаси ва кадрлар салоҳиятини мустахкамлаш, улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, касалликларнинг олдини олиш ва даволашга доир ишлар сифатини янада оқсальтиришга қаратилган тавсияларини билдиришди.

Қонунчилик палатаси кўмиталарига соҳадаги қонун ҳужжатларини синчиклаб инвентаризациядан ўтказиш ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш тавсия этилди.

Ахборотни эшитиш яқунларига кўра, Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилинди.

Лазира ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлмайди,

одамларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш учун ташаббус кўрсатиш, курашиш лозим

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари бўйича ташаббуслар билан чиқиш, аҳолини ўйлантириб келаётган долзарб ҳаётини масалаларни чуқур ўрганиш ва ҳал этишда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар, партия гуруҳлари фаолияти катта аҳамият касб этади. Шунинг учун уларнинг фаолиятини кучайтиришга ҳар томонлама эътибор қаратилмоқда, турли тадбирлар ўтказилиб, сиёсий партиялар фаоллари, депутатлар ва мутахассислар ўзаро фикр алмашишмоқда.

Шу кунларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси маҳаллий ташкилотлари томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорликда ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан ўтказилаётган семинарларда ҳам қўллаб-қувватлашга ва таклифлар билдирилди.

Ушбу тадбирларда партия гуруҳларининг доимий комиссиялар йиғилишлари ва сессиялар кун тартибига таклифлар киритиш бўйича ташаббускорлигини кучайтириш, депутатлик ва жамоатчилик назоратини изчил йўлга қўйиш, депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятини тизимли ташкил этиш, маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни мустахкамлаш масалалари очик-ойдин муҳокама қилинмоқда.

Тошкент шаҳрида ўтказилган семинарда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг ҳудудий бўлими раҳбари Дониёр Аюпов Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутатлар фаолияти бўйича олиб борилган мониторинг

натижалари, партия гуруҳи фаолияти самарадорлигини янада ошириш масалалари ҳақида атофлича тўхталиб ўтди.

Маълумотларга кўра, ўтган йили Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи томонидан 2 масала доимий комиссия йиғилиши ва яна 2 масала сессия кун тартибига киритилган. Аммо жорий йилнинг шу даврига қадар доимий комиссия йиғилишлари ҳам, сессиялар кун тартибига ҳам депутатлар бiron бир масалани олиб чиқмаган.

Хўш, бунга сабаб нима? Жойларда партия электорати манфаатларига доир масалалар камми ёки уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишда депутатларга ташаббус етишмаяптими?

— Партия гуруҳининг фаолияти унинг таркибидagi депутатларнинг ижтимоий-сиёсий билими, малакаси ҳамда ташаббускорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ, — дейди Тошкент шаҳар партия кенгаши бўлими мудири Гулчехра Холматова. — Депутат аҳолини ўйлантираётган масалаларни кўтариб чиқишга масъул шахс ҳисобланади. Сайловчилар депутатга шунинг учун овоз беришган, ишонч билдиришган. Партия гуруҳлари ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг

ваколатлари кенг. Шундай бўлса-да, уларнинг барчаси ҳам бу имкониятлардан тўла фойдаланаяпти, деб бўлмайди. Мисол учун, йилнинг биринчи чорагида қорхона ва ташкилотларга 15 нафар депутатимиз томонидан 19 депутатлик сўрови юборилган. Депутатларнинг айримлари уч-тўрттадан сўров юборган бўлса, умуман сўров билан чиқмаган депутатлар ҳам йўқ эмас. Ваҳоланки, бугунги кунда ҳар бир депутат электорат манфаати учун тинмай изланиш, бурч ва масъулиятини чуқур ҳис қилиб, фаоллик кўрсатиши керак.

— Депутат ҳаёт билан ҳамнафас яшамоғи лозим, — дейди ЎзХДП Яшнобод туман кенгаши раиси Озода Бузруқхўжаева. — Акс ҳолда, бiron ижтимоий масалани ҳал қилиб бўлмайди. Партиямиз Сайловолди дастурида таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, жойларда ишлаб чиқариш тармоқларини янада кенгайтириш орқали аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш бўйича қатор вазифалар белгиланган. Бу масалалар туманимиз учун ҳам жуда долзарб. Шундан келиб чиқиб, депутатларимиз ҳудудларнинг бу борадаги талаб ва эҳтиёжларини ўрганиши, муаммоларни ҳал қилишда амалий саъй-ҳаракат қилиши, халқ ишончига муносиб қатъият кўрсатиши керак, деб ўйлайман.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Рустам Комилов, Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси, партия гуруҳи раҳбари Хайдар Бобохонов, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари ўринбосари Бердимурод Ғаниев партия гуруҳининг фракция, шаҳар ташкилотлари ҳамда кўйи бўғинлар билан ҳамкорлигини янада мус-

таҳкамлаш, сайловчилар билан учрашувларни изчил ташкил этиш, депутатларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишларини кўпайтириш масалалари ҳақида тўхталиб ўтишди.

Шу мавзудаги семинар Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг ҳудудий бўлими, Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси ҳамда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ҳамкорлигида Термиз шаҳрида ҳам ташкил этилди.

Унда партия гуруҳларининг доимий комиссияси ва сессиялар кун тартибига масала киритиш бўйича ташаббускорлигини ошириш, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган механизмларни янада такомиллаштиришга эътибор қаратилди.

— Электоратни ўйлантираётган масалаларни атофлича ўрганиш ва бартараф этиш ҳар бир депутатнинг бурчи, — дейди Сурхондарё вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги гуруҳи раҳбари Чори Жумакулов. — Ўтган йили маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари ташаббуси билан 21 масала партия гуруҳларида, 17 масала доимий комиссияларда ва 21 масала сессияларда кўриб чиқилди. Партиямизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури асосида аёллар ва ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, аҳолининг тоза ичимлик суви, табиий газ таъминотини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар назорат-таҳлил тартибиди ўрганилди.

Жорий йилнинг ўтган тўрт ойида Олтинсой туманида «Аҳолига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳолати тўғрисида»ги, Қумқўрган туманида «Қишлоқ аҳоли пунктларида сув таъминотини янада яхшилашга қаратилган ишларнинг аҳоли тўғрисида»ги, Ўзун туманида эса «Қовталган иш ўринлари белгиланган қорхоналарга аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларини ишга жойлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида»ги масалалар сессияларга киритилди.

Бугунги тезкор ривожланиш жараёнида фаолиятимизни янада кучайтиришимиз зарур, деб ўйлайман. Партия гуруҳлари депутатлик назорати ва сўрови институтидан самарали фойдаланиш талаб этилмоқда. Ҳар бир партия гуруҳи ўз ҳудудидagi муаммоларни ҳал этиш учун нафақат ҳаракат қилиши, керак бўлса, курашиши зарур.

Вилоят партия кенгаши раиси партия ташкилотлари ва депутатлар фаолияти таҳлиliga алоҳида эътибор берди.

Семинарда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Турсунпўлат Норбоев, ЎзХДП Термиз туман кенгаши раиси, партия гуруҳи раҳбари Ўрабек Зоиров, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлими бош мутахассиси Акбар Каримов сўзга чиқиб, мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Партия гуруҳларининг сусткашлигини бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Гулрух ОДАШБОВА,
Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

■ ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИДА

Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонуннинг Қорақалпоғистон Республикасида ижро этилиш ҳолатини назорат-таҳлил тартибиди ўрганиб, унинг яқунларини кенгайтирилган йиғилишида кўриб чиқди.

Назорат-
таҳлил
яқунлари

муҳокама қилинди

Йиғилишда қўйи палата депутатлари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўздавқарантин» инспекцияси, Божхона кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Қайд этилганидек, Қорақалпоғистон Республикасида «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонун асосида ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан муайян ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, 2013 йилда 43 минг гектар, 2014 йилда 42,9 минг гектар ва 2015 йилда эса 42,7 минг гектар экин майдонида 24 хил карантиндаги зараркундалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларга қарши назорат ишлари олиб борилган. Қарантин объектлари бoрлигига гуом қилинган жойлардан намуналар олиниб, «Ўзбошдақарантин» инспекцияси марказий карантин лабораториясида экспертизадан ўтказилган.

Шунингдек, инспекция томонидан чет давлатларга экспорт қилинадиган пилла ва пахта толаси, импорт ва экспорт билан шугулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган омборхоналар ва бўш транспорт воситалари зарарсизлантирилган.

Кенгайтирилган йиғилишда амалга оширилган ишлар билан бир қаторда айрим камчиликлар мавжудлиги ҳам айтиб ўтилди, — дейди Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси аъзоси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Зулайхо Акрамова. — Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан фермер ва деҳқон ҳўжалиқларига, бошқа қорхона ҳамда ташкилотларга зараркундаларга биологик усул билан қарши курашда етарли даражада ёрдам кўрсатилмаган. Экспорт ва импорт қилинган маҳсулотлардан ҳамда назоратдан ўтказилган далалардан давлат стандартлари асосида олинган намуналар бўйича лаборатория хулосаларининг кечикиб келиши ҳолатлари қайд этилган.

Камчиликларни бартараф этиш юзасидан соҳа мутахассисларининг фикр ва мулоҳазаларини олиниб, мутасадди ташкилотларга тегишли тавсиялар берилди. Шу билан бирга, соҳага алоқадор қонун ҳўжатларини янада такомиллаштириш юзасидан айрим таклифлар ҳам билдирилди.

Йиғилиш сўнгиди кўмига тегишли қарор қабул қилди.

Ўз мухбири.

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

ОДИЛ СУДЛОВ ХИЗМАТИДА



Истиқлол йилларида мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Эришилган ижобий натижалар дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

АҚШда фаолият кўрсатаётган, катта обрўга эга бўлган, Гэллуп институти деб ном олган ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан «Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси» деган мавзуда 2015 йилда ўтказилган ва эълон қилинган сўровнома натижаси бунинг яққол исботи-

дир. Ушбу сўровнома натижаларига кўра, мамлакатимиз дунёдаги 141 давлат орасидан 2-ўринни эгаллаган. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳам ало-

ҳида тўхталиб ўтди.

Албатта, бу ютуқларнинг замирида жадал суръатлар билан ривожланиш йўлидан бориб, тараққий этган давлатлар қаторидан ўрин олаётган республикаимиз судлов тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ётади.

Айниқса, суд тизимида замонавий ахборот коммуникациялар инфратузилмасини яратиш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини ишлаб чиқиш, электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш ҳамда суд органлари веб-сайтлари орқали фуқароларга интерактив хизматларни кўрсатиш ҳозирги кунда республикаимиз суд органларида амалга оширилаётган инновацияларнинг асосини ташкил этади.

Бу борада, Президентимизнинг «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, Вазиirlар Маҳкамасининг «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг қабул қилиниши суд соҳаси ривожини янги босқичга кўтарди.

Ушбу ҳужжатлар судларда иш юритиш самардорлигини оширишни таъминлайдиган замонавий ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив хизматлар рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, энг муҳими, ривожланган давлатларда кенг ҳамда самарали қўлланилаётган «электрон одил судлов» институтини шакллантиришга хизмат қилади. Хусусан, Ўзбекистон

Республикаси Олий суди ва БМТ Тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда 2012-2014 йилларда амалга оширилиши белгиланган «Фуқаролик суд юритувини такомиллаштириш: самарали суд бошқаруви» кўшма лойиҳаси доирасида «Е-СУД» электрон ахборот тизими ишлаб чиқилиб, 2013 йилнинг ноябридан амалиётга жорий қилинди. Ушбу тизим фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туманлараро судида вақт ва амалиёт санолатларидан ўтиб, қўйилган натижаларни берди. Ҳозирги пайтда Янгийўл ва Зангиота туман судлари ўз фаолиятини мазкур тизим орқали амалга оширмоқда.

Е-SUD — миллий электрон дастурининг афзаллиги шундаки, у суд соҳасида иш юритиш сифатини яхшилайд.

Харажатларни камайтиради. Низолашувчи тарафларга қулайликлар яратиб, суд процесси иштирокчиларига турли ҳужжатларни электрон шаклда

жўнатиш, ишнинг боришини Интернет тармоғи орқали кузатиш, суд қарорларини электрон шаклда олиш имкониятини беради.

Суд тизимида ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилиши иш юритиш самардорлигини ошириб қолмасдан, қоғоз шаклидаги ҳужжатлар айланишини камайтиради. Тушайтган аризаларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартиради. Фуқароларга судларнинг ҳужжатлар базасига кириб, он-лайн режими орқали танишиш учун қулай шароит яратди.

Хулоса қилиб айтганда, «электрон одил судлов» тизимининг республикаимизнинг барча умумий юрисдикция судларида тизимли тарзда ташкил этилиши нафақат суд харажатларини камайтириш, балки фуқаролар, юридик шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини тезкор ҳамда ишончли ҳимоя қилишга замин яратди.

Жасур ИСЛАМОВ, Умид ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Юристар малакасини ошириш маркази
тингловчилари.

БАНДЛИК

ЁШЛАР ЎЗ ИШINI ЙЎЛГА ҚЎЙМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида имтиёзли кредитлар асосида иш бошлаётган ёш тадбиркорлар кундан-кунга кўпаймоқда.



Хўжайли туманидаги «Иброҳим Қудрат Ҳайбат» масъулияти чекланган жамиятида кунга 2-3 тонна сут қайта ишланиб, творог, кефир, айрон, сметана, қаймоқ, йогурт сингари ўн турдан ортиқ маҳсулот аҳоли дастурхонига етказиб берилмоқда. Алишер Ибрагимов бошчилик қилаётган ушбу жамиятда ўн нафардан зиёд киши иш билан таъминланган.

— Ўтган йили ишга жойлашганман, дейди ёш тадбиркор **Нигора Ниржанова**.

— Сутни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнини ўрганиб олдим. Келажакда имтиёзли кредит асосида ўз бизнесимни очиш ниятим бор.

— Мен Хитойдан керакли ускуналар олиб келиб, пайпоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим, — дейди **Қонлиқул туманидан яна бир ёш тадбиркор Руслан Сарсенбаев**. — Ўн бир нафар тенгдошимиз иш билан таъминланди. Келажакда фаолиятимни янада кенгайтириш ниятидаман.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЭЪЛОН

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ВА
ТАДБИРКОРЛАР
ДИҚҚАТИГА!

«Косон ёғ экстракция»

акциядорлик
жамияти

КОРХОНАДА ИШЛАБ
ЧИҚАРИЛГАН ПАХТА
ШРОТИНИ ОЧИҚ БИР-
ЖА САВДОСИ ОРҚАЛИ
СОТИШИНИ МАЎЛУМ
ҚИЛАДИ.

Манзил: Қашқадарё
вилояти, Косон тумани,
Бухоро йўли кўчаси, 1-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-375) 592-19-15,
+99893-525-43-53,
email:kosonyog@mail.ru.

Маҳсулот
сертификатланган.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки аҳолига кенг кўламда банк хизматларини кўрсатиб, савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш каби қатор тармоқларни молиявий қўллаб-қувватлашда фаол қатнашиб келмоқда.

Чунончи, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар 51,5 миллиард сўмни ташкил этган.

Банк томонидан ажратилаётган сармоялар нафақат иқтисодий балки ижтимоий йўналишдаги билан ҳам эътиборга молик. Масалан, банк филиаллари орқали аёллар ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини ҳосил қилиш ва ривожлантириш мақсадида 28,9 миллиард сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш, шунингдек, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун 70,6 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳамда озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 35,2 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилган.

Шу ўринда айтиш мумкинки, аҳоли орасида ишбилармонлик кўникмаларини мустаҳкамлаш, ёшлар, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳалари учун қарийб 5,3 миллиард сўм, ёш оилаларга ўз бизнесларини ташкил қилиш учун эса 3,4 миллиард сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилган.

Вазиrlар Маҳкамасининг жорий йил бошидаги республикада балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва ҳақиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш жамини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги йиғилиши баёнининг тегишли бандлари ижросини таъминлаш мақсадида «Ипотека-банк» томонидан бир қатор ишлар амалга ошириляпти. 2016 йилда балиқчилик соҳасига 102,3 миллиард сўм кредит маблағларини ажратиш режаси белгиланган. Шу вақтгача «Ипотека-банк» АТИБ филиаллари орқали республикаимиз бўйича 3339 та балиқчилик хўжалигининг ҳисоб рақами очилган.

Ҳозирга қадар балиқчилик соҳасини ривожлантириш, яъни чавоқ ишлаб чиқариш, омухта ем, минерал

«ИПОТЕКА-БАНК»: сармоялар янги иш ўринлари яратилишига йўналтирилмоқда



Хизматлар лицензияланган.

ўғит ва балиқчилик фаолияти билан боғлиқ бошқа йўналишларга умумий қиймати 98 миллиард 48 миллион сўм бўлган 614 та лойиҳанинг кредит йиғма жилдлари расмийлаштирилди ва кредит линиялари очилди.

Мухтасар айтганда, «Ипотека-банк» мамлакатимизнинг етакчи банклари қаторида иқтисодийнинг барча жабҳалари жадал ривожланишида фаол иштирок этиш баробарида, молия бозоридаги ўз мақомини мустаҳкамлаб бормоқда.

Шу боис, ҳам молия муассасасининг фаолияти жаҳондаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари — «Moody's», «Standart & Poor's» томонидан «Барқарор» деб баҳолалиб келинмоқда.

Бердах ТУРДАКОВ,
«Baker Group Nukus»
масъулияти чекланган
жамияти раҳбари:
— Ўз бизнесимни нон ва нон

маҳсулотларини тайёрлашдан бошладим.

«Ипотека-банк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали бизни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўтган йили банкнинг 100 миллион сўмлик кредити фаолиятимиз ривож учун имкон яратди. Маҳсулотларимизни хариддорларга доимий етказиб бериш мақсадида янги техника сотиб олдик, янги иш ўринлари очигача муваффақ бўлдик. 5 нафар тенгдошим доимий иш ўрнига эга бўлди. Биргина ўтган йил давомида 123 миллион 500 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб, хариддорларимизга етказиб бердик. Саъй-ҳаракатларимиз банк жамоаси томонидан ҳам юқори баҳолалиб, яқинда IX «BankExpo» миллий кўргазмасида «Касб-хунар коллежи битирувчиси томонидан амалга оширилган энг яхши лойиҳа» номинациясига муносиб деб топилди.

Фаолиятимизни янада кенгайтиришни, янги иш ўринлари яратиш, уларга коллеж битирувчиларини жалб этишнинг мақсад қилганмиз. Бунда яқин ҳамкоримиз «Ипотека-банк»ка суянамиз.

Иномжон АЗИМБОВЕ,
«Islomjon fayzli dalasi» балиқчилик фермер хўжалиги раҳбари:
— Бугунги давр ҳар бир кишида ишбилармонлик ва омилкорликни талаб қилади. Зеро, замон билан ҳамнафас яшаган инсонгина олдиға қўйган режаларини амалга оширишга муваффақ бўлади.

Биз ҳам тадбиркорлик соҳасида фаолият юритишга, билимимиз ва куч-ғайратимизни ушбу йўналишда сынаб кўришга жазм этдик. Чорвачилик, йилкичилик, шунингдек, балиқчилик билан шуғулланамиз. Бизда асосан ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарила-

«УНИВЕРСИАДА —
2016»

■ «Универсиада — 2016» мусобақалари республика финал босқичида 1068 нафар спортчи ва мураббий, 155 нафар ҳакам, шунингдек, юртимизнинг таниқли спортчилари, маданият ва санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашиши кутилмоқда.

Миллий матбуот марказида маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, истеъмолчиларни сифатли ва хавфсиз маҳсулотлар билан таъминлашда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан амалга оширилган матбуот анжумани ўтказилди.

Халқаро
стандарт
асосида

Агентлик бош директори ўринбосари Ж.Мирсаидов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлатири.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувларга чек қўйиш мақсадида агентлик томонидан тизимдаги корхона ва ташкилотларда назорат тадбирлари кучайтирилган. Ўтган даврда агентлик тузилмаларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг бу борадаги хабардорлигини оширишга қаратилган 400 га яқин тарғибот-ташвиқот тадбири ўтказилган.

Сифат тизимларини сертификатлаштириш идоралари сони 27 тага етказилиб, саккизта сертификатлаштириш идораси халқаро даражада аккредитациядан ўтказилган.

Халқаро стандартлар талаблари асосида сертификатлаштирилган корхоналар сони 2429 тага етган, жорий йилда яна 649 та корхонада халқаро стандарт тизимларининг жорий этилиши кўзда тутилган.

Тадбиркорлик субъектларига қулайликларни янада кенгайтириш мақсадида Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиботи тўғрисидаги низоми ишлаб чиқилган. Унга асосан корхоналарда жорий этилган сифат менежменти тизимлари мувофиқлигини тасдиқлаш юзасидан расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатларининг амал қилиш муддати 3 йилдан 5 йилгача узайтирилган.

Жорий йилда, шунингдек, ўндан зиёд йирик саноат корхонасида ISO 50001 халқаро стандартини жорий этиш белгиланган. Ушбу стандарт етакчи иқтисодий тarmoқларида энергия сигимини қисқартириш, энергия ресурсларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадбирда журналистларнинг саволларига мутахассислар жавоб қайтарди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири.Фарғона ёшлик ва камолот
байрами оғушида

Яна икки кундан сўнг Фарғонада мамлакатимиз олий таълим муассасалари талаба-спортчиларининг «Универсиада — 2016» мусобақалари республика финал босқичи бошланади. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятларнинг жами ўн тўртта терма жамоаси спортнинг ўн беш тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб боради.

Юртошимиз ташаббуси билан жорий этилган уч босқичли ўзлуксиз тизим — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ва Универсиада ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, истеъдодларни кашф этиш ҳамда қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

«Универсиада — 2016» мусобақалари муносабати билан вилоятда кенг қўллаб-қувватлаштириш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, янги спорт иншоотлари барпо этилиб, қўллаб-қувватлаш мажмуалари таъмирланди.

— Фарғона шаҳрида мусобақаларни юқори савияда ўтказиш учун аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди, — дейди «Универсиада — 2016» ўйинлари матбуот хизмати раҳбари Шохидбек Аслонов. — Фарғона давлат университети, Фарғона политехника институти, Фарғона Олимпия захиралари коллежи спорт заллари замон талаблари асосида таъмирланиб, жиҳозланди. Фарғона давлат университетида 3200 ўринли стадион, ёпиқ сузиш ҳавзаси, ўрта волейбол майдони ва енгил атлетика йўлаклар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Мусобақа иштирокчиларининг яшаши, овқатланиши ва мазмунли дам олиши учун қўлай шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Фарғона давлат университети ва политехника институтининг талабалар турар-жойи замонавий услубда таъмирдан чиқарилди.

Вилоят марказида кенг қўллаб-қувватлаштириш ва қўламазорлаштириш ишлари амалга оширилиб, хиббон ҳамда кўчаларда гулзорлар ташкил этилди. Фарғона шаҳрининг Алишер Навоий, Аэропорт, Сайилгоҳ, Аҳмад Фарғоний каби марказий кўчалари янада чирой очди. Шаҳар кўчалари ўртадаги ёшлик ва камолот байрамига алоҳида эътибор қаратилди. Спорт мусобақалари финал босқичида фахрли иккинчи ўринни эгалладим. Айни пайтда Фарғона вилоят терма жамоаси таркибидан «Универсиада — 2016» баҳсларига пухта ҳозирлик кўряпман. Мақсадим — бу гал Универсиаданинг олтин медалини қўлга киритишдир.

— Ўғлим Сардор Мирзаев бугунги кунда футбол



хурсандимиз, — дейди Фарғона давлат университети 1-босқич талабаси Муқаддас Икромов. — Мен 2012 йили Навоий шаҳрида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари республика финал босқичида стол тенниси бўйича бронза медалига сазовор бўлганман. Орадан икки йил ўтиб, Наманганда ўтган академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» спорт мусобақалари финал босқичида фахрли иккинчи ўринни эгалладим. Айни пайтда Фарғона вилоят терма жамоаси таркибидан «Универсиада — 2016» баҳсларига пухта ҳозирлик кўряпман. Мақсадим — бу гал Универсиаданинг олтин медалини қўлга киритишдир.

— Ўғлим Сардор Мирзаев бугунги кунда футбол

бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳамда Тошкентнинг «Локомотив» клуби шарафини ҳимоя қиляпти, — дейди фарғоналик Тилла-назар Мирзаев. — Оила-мизда барча спортни жону дилдан яхши кўради. Ўғлим ҳозирда Фарғона политехника институтида тахсил олмоқда. Фарзандим бунгача «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» спорт ўйинларида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган эди. Шу кунларда Сардор Фарғона вилоят терма жамоаси таркибидан «Универсиада — 2016» баҳсларига пухта ҳозирлик кўряпман. Мақсадим — бу гал Универсиаданинг олтин медалини қўлга киритишдир.

Президентимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт тизими юртимизда чин маънода иқтидорли ёшларни кашф этиш ва элга танитишда муҳим ўрин тутишини бугун ўз фарзандим мисолида кўряпман. Бизнинг талабалар йил-

ларимиз билан бугунги даврни асло таққослаб бўлмайди. Бугун Фарғонага ташриф буюрадиган ёшлар бир-бирдан кўркам ва замонавий спорт иншоотларида ўз шижоатини намойиш этади. Чинакам ёшлик байрамида қатнашган йигит-қизлар эса ўз уйларига олам-олам таассуротлар билан қайтадилар, деган умиддаман.

«Универсиада — 2016» мусобақалари республика финал босқичида 1068 нафар спортчи ва мураббий, 155 нафар ҳакам, шунингдек, юртимизнинг таниқли спортчилари, маданият ва санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашиши кутилмоқда. Спорт мусобақалари Фарғонадаги ўн иккита замонавий спорт иншоотида ўтказилади.

Эркин ХОЛБОБОВ,
Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАДБИР

«Невараларимга китоб совға
қилдим»

Фарғона шаҳрида «Китоб олами» мажмуаси фойдаланишга топширилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори Омонулло Юнусов, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси, вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Топволди Холдоров, Фарғона шаҳар ҳокими Дилшод Раҳматов ва бошқалар иштирок этиб, ёш авлод маънавиятини юксалтиришда китобнинг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Бу зийе масканнинг очилиши маънавиятимиз юксалишининг инъикосидир, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Энахон Сиддикова. — Асли фарғоналиклар азиздан китобсевар, китобхон халқ. Бугунги тадбирга келган турли ёшдаги инсонлар китоб дўкони очилганидан хурсанд. Айниқса, мустақиллик фарзандлари бўлган ёшларни айтмайсизми, уларнинг чеҳраларида келажакка, ўз орзу-режаларига ишонч, қатъият муҳассас. Вилоят маънавий тарғибот маркази, Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари бўлимлари, «Камолот» ЕИХ вилоят



Муниҳон Қодиров оған сўзат.

кенгаши ҳамкорлигида ҳар бир ўқув юрти, ишлаб чиқариш корхонаси, қишлоқ, маҳалла ва гузарларда китобхонлик кечалари, ижодкорлар билан учрашувлар ўтказилиши одат тусига кирган. — Китоб шуурни сайқаллайди, руҳиятни поклаб, эзгу мақсадларга ундайди, — дейди иқтисод фанлари доктори, профессор Ахмадали Ғофуров. — Ҳозир Марғилон шаҳри, Қува, Бувайда туманларида Алишер Навоийнинг ўн томлиги, Миллий энциклопедия тўплами, мумтоз адабиётимиз намуналари келин сепига қўшиб берилаётганини эшитган бўлсангиз керак. Халқимиз, ёшларимиз ўртасида китобсеварлар кўпайиб бораётгани одамни қувонтиради.

«Китоб олами» мажмуасида ҳар бир соҳага оид асарлар учун

алоҳида бўлимлар, шунингдек, китобхон маслаҳатхонаси, енгил тамаддихона, болалар учун дам олиш жойлари ҳам ташкил этилган.

Келгусида мажмуа кенгайтирилиб, турли учрашувлар, тақдимотлар ўтказиладиган анжуманлар зали ҳам ташкил этилиши режалаштирилган.

— Мен бу ерга оила аъзоларим билан келдим, — дейди Абдуғани Икромов. — Нодир китоблар юксак безакларда чоп этилгани мени жуда қувонтирди. Невараларимнинг ҳаммасига китоб совға қилдим.

Яқин келажақда Фарғона вилоятида яна еттигача аниқ шундай китоб мажмуалари очилиши кутиляпти.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида «Оила институти ва оила қадриятларининг ривожланиш истиқболлари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Республика Хотин-қизлар кўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази ва «Маҳалла» жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Оила қадриятларини
ривожлантириш
масалаларига бағишланди

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда оила мустаҳкамлигини таъминлаш устувор масалалардан ҳисобланади.

Маълумки, БМТ Бош Ассамблеяси қарорига асосан, 1994 йилдан эътиборан ҳар йили 15 май Халқаро оила кунини сифатида нишонлаб келинмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси асосида маҳалларда кўпал тадбирлар ўтказилди.

Ўрта махсус таълим муассасаларида «Оила психологияси» курси, олий педагогик таълим муассасаларида «Оила педагогикаси», «Оилашунослик» курслари ташкил этилган.

— Оилада соғлом маънавий муҳитни, саклаб ахлоқий ва маънавий қадриятларни қўллаб-қўллаш, ёшларнинг оила ҳақидаги тасаввурини бойитиш мақсадида бир қатор илмий-амалий анжуманлар ўтказиб келмоқдамиз, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Ахборот хизмати раҳбари Гулрух Дониёрова. — Ушбу тадбирларда мустаҳкам оилалар сонини янада кўпайтириш, ҳар бир оилада миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

Футбол бўйича Ўзбекистон кубогининг нимчорак финал жавоб учрашувлари ўтказилди.

Навбат —
чорак
финалга

Унда қўтилмаган натижалар қулатилди. Жумладан, мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — «Пахтакор» жамоаси икки ўйин натижасига қўра, «Бухоро» футболчиларига имкониятни бой берди. Мазкур жуфтликнинг Тошкентда кечган дастлабки баҳсида бухороликлар кичик ҳисобда ғалаба қозонганди — 0:1. Бухорода ўтказилган жавоб учрашувида ҳам мезбонлар худди шу ҳисобда пахтакорчиларни енгди — 1:0.

Ўзбекистон кубоги 1/8 финалининг яна олтинта ғолиби аниқланди: «Андижон» — «Қизилқум» — 3:1 (дастлабки ўйин — 2:2), «Қўқон-1912» — «Навбахор» — 1:1 (1:0), «Сўғдиёна» — «Машғал» — 0:1 (1:1), «Насаф» — «Нефтчи» — 1:0 (4:1), «Бунёдор» — «Обод» — 2:1 (2:2), «Олмалиқ» — «Металлург» — 2:3 (0:1).

Мазкур босқичнинг «Локомотив» — ЎзДонгЖу жуфтлиги ғолиби 8 июнь кунини маълум бўлади. Бу жамоаларнинг Андижонда кечган дастлабки баҳсида темирўлчилар 2:0 ҳисобида зафар қўчган.

Кеча Ўзбекистон футбол федерациясида мусобақанинг чорак финал ўйинларига қўра ташланди. Унга қўра, навбатдаги босқичнинг дастлабки учрашувлари 5-6 июль кунлари бўлиб ўтади:

«Қўқон-1912» — «Бухоро»
«Андижон» — «Насаф»
«Бунёдор» — «Металлург»
«Машғал» — «Локомотив»/ЎзДонгЖу.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎзДЖТУ талабаси.

БУГУН	Об-ҳаво маълумотлари
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+28/+15
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+32/+20
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+30/+18
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+33/+22
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+35/+20
Тошкент шаҳри	+15/+25

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бирлашган таҳририяти жамоалари Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Фаррух Ҳамроевга падари бузруквори

Ҳамидулло ҲАМРОЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Навоий вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Гулчеҳра Рўзиевага онаси

Истамой ШОМУРОДОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Saidkamol	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	XODJAYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uzMANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.Г — 559
14552

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 20:40

Topshirilgan vaqti — 22.20

Sofuvida kelishilgan narxda

Navbatchi:

Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

7 72010 7633006

1 2 4 5 6